

Мерос

Абу Шоҳирхожа
Самария

Наршахӣи
Бухоро тарихи

Баёнии
Шаҳаран
Хоразмшоҳӣи

Ибраһи
Фарғона тарихи

Абу Шоҳирхожа
Самария

Алршахуи
Бухоро тарихи

Баёний
Шажадан
Хоразмишоҳи

Ибраи
фарғона тарихи

Тошкент
«Камалак»
1991

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўрибой АҲМЕДОВ, Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ, Хуршид ДАВРОН, Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ, Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Тоҳир ҚАҲҲОР, Нурали ҚОБУЛ, Асад ДИЛМУРОД, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ.

Т 74 Абу Таҳирхожа ва бошқ.

Самария / Абу Тоҳирхожа. Бухоро Тарихи / Наршахий. Шажараи Херазмшохий / Баёний. Фарғона тарихи / Ибрат. / Тарихий эссе / Таҳрир ҳайъати: Б. Аҳмедов ва бошқ./.— Т., Камалак, 1991 — 336 б.— («Мерос» туркуми / Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи Хуршид Даврон).

Она тарихимизнинг қанчадан қанча саҳифалари бизга қоронғи. Утмиш сари юрмоқчи бўлганимизда ва ўша саҳифалар билан тапшиқни орзу қилганимизда қаттол манқуртлик жон-жаҳди билан йўлмизни тўсгани азият, хўрлик ва гофиллик муҳрини босди маънавиятимизга. Қадимий маданиятимизнинг не не дурдоналаридан жудо бўлганимиз-чи?!

Қўлигиздаги «Мерос» туркуми илк мажмуасига кирган манбалар манқуртлик ақидаларига муайян зарба беражаги, сизни аجدларимизнинг мангу тирлик хотирасига ошно этажагига аминимиз. Муаррихларимиз Абу Тоҳирхожа, Наршахий, Баёний, Ибрат Самарқанд, Бухоро, Херазм, Фарғонанинг олисда қолган ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар, қизиқарли воқеалар, ривоятларга суяниб фикр юритадилар, сизни муқаддас тарихий ҳақиқатларни билиб олишга чорлайдилар.

Абу Тоҳирхожа и др. Самария/Абу Тоҳирхожа. Историја Бухары / Наршахий. Шажараи Херазмшохий / Баёний. Историја Ферғаны / Ибрат.

ISBN 5-633-00736-0

К 356(04) — 91
4702620108 — 18-91

© Тўплам, 1991

АЖДОДЛАР ЕДИ

(Сўз боши ўрнида)

Ватан нима демак? Бу ўз хатти-ҳаракатини муайян майдонда камолга етказган ва сўзгаётган бус-бутун халқ тарихи, яъни халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажигидир. Бу миллатнинг рағ-баранг маданияти, илму фани, тили ва дини, феъл-атвори ва аъёналари, бу унинг тараққиётидаги муҳим босқичлар, мағлубиятлар ва ғалабалар, бу унинг ботир ўғлонлари жасорати, доишманд фарзандлари фаолиятидир. Шу сабабдан ҳам Ватан ғояси ўша олис ўтмишдаги шонли кунларда ҳам, бугунги тадқиқоти кунларда ҳам унинг фарзандларига бирдек ҳос бўлмоғи зарур. Бинобарин, бу ғояни чинакам ҳис этгандагина киши ўзини мазкур тупроқ фуқароси деб ҳисоблашга ҳақлидир. Ватан ғояси ҳалол кишиларни жасоратга ундаб, нопок кишиларни эса, агар Ватан ғояси бўлмаганда, қилишлари аниқ бўлган кўпгина қабиҳликлардан сақлаб келган. Ватан ғояси деган тушунчани изоҳлаш керак бўлса, мен бу ажодлар ёднинг авайлаб сақлаш, улардан мерос қолган маданиятни, или-фанини ўрганиш, тараққий эттириш деб уқтирар эдим. Аждодлар хотирасини асраш эса фақат маърифатли киши қўлидан келади. Шу сабабдан ҳам буюк олмон файласуфи Ҳегел: «Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга тайёр эканликларида акс этади», деб айтгани бежиз эмас.

Сизу бизнинг Ватанимиз бўлган икки дарё оралигидаги тупроқ тарихи ҳеч қачон тинмаган жанглар тарихи, юртимиз ҳудудларини бузиб кирган босқинчи душманларга қарши кураш тарихи, бу аёвсиз курашлар мобайнида элимиз ёзодлиги ва равнақи учун жонини аямаган халқ ўғлонлари ва қизлари жасорати тарихидан иборатдир.

Сизу бизнинг Ватанимиз бўлган икки дарё оралиги ва унинг атрофидаги тупроқ тарихи буюк тараққиёт йўли, илму урфондаги истеъдоди оламшарqq қилган буюк олимлар, қаламининг кучи тоши йиллатган шоирлар фаолияти, даҳлиқ қудратлари туфайли бу ўлка шон-шухрати оламга ёйган даҳолар маърифати тарихидир.

Буюк математик, астроном ва географ, ҳозирги замон алжабр (алгебра) илмининг отаси Муҳаммад ал-Хоразмий, «Шайх ур-ранс», «Доишмандлар султони», «Табиилар шоҳи» каби буюк ва мўътабар номларга сазовор Шарқ Уйғонш даврининг буюк мутафаккири, буюк аллома Абу Али ибн Сино, неча замонавий илмларга асос солган, қомусий билимлар соҳиби, умумжаҳон фани ва маданиятга бебаҳо ҳисса қўшган Абу Райҳон Бериуний, Иккинчи Арасту иоми билан машҳур жаҳон, фалсафа, мусиқа ва математика илмлари пойдеворини тиклаган Фаробий, Навоий таъбири билан айтганда, кўзи олдида осмон паст бўлган Мирзо Улугбек, ислом маданияти ва фани иқлимида жуда натта ўрни тутган Хўжа Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, туркий адабиёт султони — Ҳазрат Алишер Навоий, ҳам қалам, ҳам жанг майдонида кўрсатган жасорати билан машҳур Бобур мирзо шу тупроқ фарзандларидир.

Бу ўлка халқларини бирлаштириш ниятида ягона давлат тузган, бу билан халқимиз маданияти тараққиётида энг катта ўсишни таъмин қилган буюк жаҳонгир Амир Темур шу тупроқ фарзандидир. Биз узоқ вақт давомида тарихимиз ҳақида сўз юритганда бч шаҳе фаолиятини қоралаш билан шугулланиб келдик. Жуда узоқ вақт давомида гўё тарихда Амир Темур деган зот ўтмагандек унинг номини тилга олмай келдик. Унинг фаолияти ҳақида сўз юритиб, бу фаолиятнинг оқ ва қора жиҳатларини айтиб, холис ва тугал фикр билдирмаганимиз тарихий ҳақиқатга эид эканлигини англамадик, аниқроғи, англашим йстамадик. Жаҳон маданиятида у ҳақда кинофильмлар, театру ўйинлари яратилгани, романлар ва қиссалар ёзилгани ва ёзилётгани билган ҳолда, ўзбек олимлари ва адиблари томонидан илмий тадқиқотлар ва бадий асарлар ёзилишига тўсатилик қилдик. Бундай кўр-кўрона сиёсатга барҳам берадиган, чигал масалани ойдинлаштирувчи тадбирларни амалга оширадиган пайт етди

деб ўйлайман. Темур ва теурийлар сулоласи ҳақида ёзаётганда, тарихга фақат синфий нуқтани назар билан эмас, ёнг аввало тарих илмининг асосий ва бош мезони социалistik тарихийлик принципи билан ёндашмоқчилигимиз заруратини англаб олайлик. Агар бу мезон асосида иш тутганимизда, бу сулола инсоният маданияти тарихида жуда эътиборли ўрин тутганини тан олган бўлар эдик.

Ҳар бир халқ ўз тарихини авайлаб келади, бу тарих неъматлари бўлмиш меросдан келажак сари илдам йўл босиш учун куч-қувват олади. Халқ озоқчилиги учун қурбон бўлган миқлиий қаҳрамонлар жасорати, миллат равақи учун жонбозлик қилган илм ва фан соҳибларининг фаоллиги эса ҳар бир авлод учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Уларнинг хотирасини абадийлаштириш эса бугунги ва келгуси авлодларнинг муқаддас бурчи. Зеро, тарихида беҳабар халқ — маълум халқ, тарихи ёлгон билан ёзилган халқ — маҳкум халқ, тарихини асраган ва билган халқ — қудратли ва тенглар ичида тенг халқдир.

* * *

Ўзбекистон ЕИ Марказий Қўмитасининг «Камалак» нашриёт-матбаа бirlашмаси халқимизнинг маданий мероси, унинг тарихий йўли ҳақида ҳикоя қилувчи қадимий қўлёзмаларни нашр этиш мақсадида «Мерос» туркуми устида иш бошлади. Мана шу туркумининг чишопаси эса қўлингиздаги китоб бўлиб, у Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Фарғона тарихига оид тўрт ноёб ёдгорликни ўз ичига олган. Ҳар бир асар олдидаги сўзбошида улар ҳақида батафсил ахборот берилгани сабабли мен бу ўринда тўхталиб ўтирмаман. Фақат Абу Тоҳирхожа асарининг тақдирини устида алоҳида тўхталишни истардим.

«Самария» 1921 йилда самарқандлик ёш олим Абдулмўмин Сатторий (1903-1925) томондан форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилинган. Шу ўринда бу эрта хазон бўлган истеъдод ҳақида бир оғиз гапирмай ўтиш гуноҳ. Абдулмўмин Сатторий йигирма икки ёшидаёқ тарихчи сифатида танилиб, ўша давр маърифат аҳли диққатини жалб этган эди. Ўша давр матбуотида унинг «Будда», «Қўктош», «Ғотфарий маҳалласи», «Юсуф Ҳамадоний», «Рухобод» каби илмий мақолалари чоп этилган.

Абдулмўмин Сатторий вафотидан сўнг «Самария» таржимаси 1925 йили Садриддин Айний томонидан таҳрир қилиниб нашрга тайёрланган эди. Атоқли адиб сўзбошиси ва изоҳлари билан тўлдирилган асар нашрга тайёрланганига қўлиб кетди. Ропла-роса қирқ беш йил ўтгандан кейин атоқли олим Бўрибой Аҳмедов «Самария»ни нашрга тайёрлади. У таржимон йўл қўйган ноаниқликларни, Садриддин Айний олиб ташлаган айрим ўринларни тиклаш мақсадида «Самария»нинг мавжуд қўлёзмалари ва Н. И. Веселовский томонидан амалга оширилган (1904) нашри асосида қайта кўриб чиқди, сўзбоши ва зарур изоҳлар билан бойитди. Аммо, қарахтлик йилларига хос турли тўсиқлар туфайли «Самария»ни бу сафар ҳам нашр этишга муваффақ бўлинмади.

Мана, ниҳоят асар қўлингизда. Агар эътибор берган бўлсангиз, «Самария»ни нашрга тайёрлаш ишида қатнашган олимларнинг илмий унвонлари ўша шайтда қандай бўлса, шундай қолдирилган. Ҳолбуки, ўша пайтда тарих фанлари номзоди бўлган Бўрибой Аҳмедов бугунги кунда тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Абу Райҳон Беруний номидаги жумҳурият давлат мукофотининг соҳиби. Аммо биз бундан йигирма йилча бури; иккинчи мартаба нашрга тайёрланган «Самария» асарининг тақдирини келажак авлодлар унутмасинлар. деган ниятда бу унсурларга ўзгартириш киритишни лозим кўрмадик. Зеро, бу ҳам тарихнинг бир ҳужжати сифатида қайд этилишини истардим.


Сўзимни якунилаган ҳолда жумҳуриятимиз олимлари ва адибларини, қоляверса, халқимиз тарихини ўрганишга ҳавасманд ҳар бир кишини бирлашма ижодий жамоаси билан ҳамкорлик қилишга чақираман. Бу ҳамкорлик ўтмиш ёдгорликларини халқимизга танитиш, йўқолиб бораётган маънавий қадриятларимизни асраб қолиш учун хизмат қилади.

Хуршид ДАВРОН

Абу
Тохирхожа
Самаркандий



Самария



**Форсчадан Абдулмўмин Сатторий тар-
жимаси. Масъул муҳаррир академик
САДРИДДИН АЙНИЙ ва тарих фанла-
ри кандидати Б. А. Аҳмедов. Нашрга
тайёрловчилар: тарих фанлари кан-
дидатлари Б. Аҳмедов, А. Жувонмар-
диев. Кўрсаткичларни М. Хўжаева
тузган.**

АБУ ТОҲИРХОЖА ВА УНИНГ «САМАРИЯ» АСАРИ ҲАҚИДА

Самарқанд ва унинг кўҳна тарихи ҳақида айрим, алоҳида асарлар ёзилганлиги маълум. Лекин, улар бизгача тўла етиб келмаган, баъзиларининг эса номларининг сақланган, холос. Булардан бири Абул-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Муставфий ал-Муставфийнинг (402), 1011-12 йил вафот этган) «Таворихи Самарқанд» (Самарқанд тарихи) асаридир. Ушбу асар Самарқанднинг ибтидоий замонлардан то X асргача бўлган тарихи, унинг осори атиқлари, шунингдек Насаф (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз) вилоятларининг тарихини ўз ичига олган.¹ Самарқанд тарихига бағишланган, аммо бизгача фақат номигина етиб келган асарлардан яна бирини Абу Саъид Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий (405) 1015 й. вафот этган. У «Қитоб ал-камол ли-маърифат ар-рижол» («Номбор» кишиларни танитувчи муфассал китоб)² номи асардир. Самарқандлик олим Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Самарқандий (537) 1143 й. вафот этган) юқоридаги асарнинг давомини ёзиб, уни «Қитоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд» («Самарқанд тарихига оид қанд китоб») деб атади. Ан-Насафийнинг бу асари ҳам сақланмаган. Лекин унинг қисқартириб ёзилган нусхаси бизгача етиб келган. Булардан бири «Қандияйи хурд» («Кичик Қандия»)³ номи билан машҳур бўлиб, Ан-Насафийнинг шогирди Абулфозл Муҳаммад ибн Абдужалил ибн Абдулмалик ибн Ҳайдар ас-Самарқандийнинг (XII аср) қаламига мансубдир. Иккинчи нусха эса жуда ҳам қисқа бўлиб, «Қанддар таърифи Самарқанд» («Самарқандни таърифловчи қанд [китоб]») деб аталади. Асарнинг муаллифи маълум эмас.⁴ Ҳар икки асарнинг нусхалари жаҳоннинг кўпгина қўлёзмалар жамғармасида, шунингдек Ленинград ва Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмгоҳида сақланмоқда.⁵

Шундай қилиб, бу асарлар биринчидан, Самарқанднинг кўпи билан XII асргача бўлган тарихини ўз ичига олган. Иккинчидан эса, тўла тарзди бизгача етиб келмаган. Кўҳна шалар эса ўз тарихини бундан кейин ҳам давом эттириб ва Чингизхон хуружи (1220-22) натижасида юз берган харобаларини мустасно қилганда, тараққий қилди, юксaldi. Самарқанд, айниқса, Амир Гемури (1310-1405) ва Мирзо Улуғбек (1409-1449) замонида беқиёс ривожланди, гуллаб-яшилди. Аштархонилар ҳукмронлигининг сўнги йилларида, айниқса XVIII асрнинг 30-40 йилларида, ўзаро феодал курашларнинг авжга минishi ва Эрон ҳукмдори Ҳодиршоҳнинг (1736-1747) хуружи оқибатида яна вайрон бўлиб, тушкунликка юз тутди. Кураб турибсизки, фақат араблар истилосидин (VIII аср бошларида) кейин шаҳар бир неча бор бузилиб, яна ўз қаддини ростлади. Бу орада, шубҳасиз, шаҳарнинг қиёфаси бир неча бор ўзгарди ва бу хусусдаги маълумотлар, айниқса, шаҳарнинг XIX аср иккинчи ярмидаги қиёфаси қандай эканлигини фақат Абу Тоҳирхожоннинг «Самария» асари тўғрисидаги билши мумкин.

¹ Қотиби Чалабий. Китоб-и кашф аз-зунун ан-асомин ал-кутуби ва-л-фунун, Истамбул (1310) 1892, 226-саҳифа. Бундай буён «Кашф аз-зунун».

² Асарнинг яна бир номи «Китоб ал-қанд фи маърифати уламоин Самарқанд» (Самарқанд уламоларининг маърифати ҳақида қанд китоб) бўлиб; у араб тилида ёзилган (қараиш: СВР ЎзССР, т. VIII, Ташкент, 1967, стр. 64.)

³ Асарнинг бошқа номи «Мунтакаб ал-Қандия» деб аталади (Кашф аз-зунун, 226-саҳифа).

⁴ СВА: АН ЎзССР, т. VIII, стр. 64.

⁵ Н. Д. Миклухо-Маклай, Описание таджикских и персидских рукописей Института востоковедения, I, стр. 15; СВР АН ЎзССР, т. 1, Ташкент, 1952, стр. 302.

«Самария» ва унинг муаллифи ҳақида сўз бошландан аввал шуни ҳам айтиш керакки, бу асар кўндан бери кенг илмий жамоатчиликнинг диққатини ёзига тортиб келмоқда. Асар ўтган асрнинг сўнги чорагида машҳур шарҳишнос олим В. Л. Вяткин томонидан биринчи марта рус тилига таржима қилиниб, 1898 йилда Самарқандда чоп қилинди.⁶ Орадан кўп ўтмай (1904) Санкт-Петербургда «Самариянинг форс-тожикча танқидий матни ҳам босилиб чиқди. Бу мушуқул, лекин фойдали иш атоқли рус шарҳишнос олими Н. И. Веселовский томонидан асарнинг кўҳна қўлёзма нусхалари асосида бажарилиди.⁷ Н. И. Веселовский «Самария»нинг мазкур нашрига Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфманнинг амри билан 1878 йилнинг август ойида портлатиб юборилган Нуриддин Ёлбир (Қутби чаҳордаўд) номи билан машҳур) мазорининг фотонусхаси ва лойиҳасини ҳамда мазорга вақф қилинган ер-сув ва мулк ҳақидаги вақфномани ҳам илова қилди.

Асар муаллифи ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Узи келтирган маълумотларга кўра, у Самарқанд қозиси Абу Саъид ибн Абдулхайнинг ўғлидир. Абу Тоҳирхожанинг отаси ҳам, бобоси мавлоно Мир Абдулхай ҳам ўқимишли ва замонасининг фозил кишилари бўлган. Мавлоно Мир Абдулхай (1169) 1755- (1243)1827) Самарқандда 40 йил қозийи калонлик мансабида турган ва шу билан бир қаторда биргалай илмий асарлар ёзган. «Ҳавоши Шофий бар шарҳи байзовий», «Саҳиҳи Бухорий»нинг форсийча шарҳи», «Забури Довуднинг форсийча таржимаси», «Ахлоқи Баҳодирхоний», «Ҳидоя шарҳи»нинг шарҳи» шулар жумласидандир. Муаллифнинг отаси мавлоно Абу Саъидхожа (ҳ. 1265 й. шаввол ойининг 16-сида (1849 й. 23-августда вафот этган) ҳам ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, илмнинг «Фиқҳ» (мусулмон қонунчилиги) ва калом (диний ақондларни исботловчи илм) соҳаларида асарлар битказган. Абу Тоҳирхожа эса XIX асрнинг 40-йилларида муфтийлик лавозимида бўлиб, кейинчи Карманда раислик мансабида (Айний сўзбошисидаги 1-изоҳга қаранг) туриб, 1874 йилда вафот этган.

«Самария» ўн бир боб, муқаддим ва хотимадан иборат бўлиб, Самарқанднинг бунёд этилиш тарихи, шаҳарнинг «Самарқанд» деб аталиши сабаблари, жуғрофий ҳолати, об-ҳавоси ва XIX асрнинг учинчи чорагига қадар сақланиб қолган осори атиқалари, шунингдек, масжид ва медресалар, кўшклар ва мазорлар ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, асарда машҳур тарихий шахсларнинг ҳаётига оид ахборотлар ҳам кўп. Мисол тариқасида бир далилни келтирсак бўлади. Муаллиф Муҳташиб Саййид. Ошиқ мазори тавсифи қисмида Мирзо Улуғбек ҳаётига оид қизиқ ҳикоятни келтиради: «Саййид Ошиқ Самарқандда Улуғбек мирзо замонида ваъз айтмоқ билан шуғулланар эди. Айтадиларким, бир кун Саййид (Ошиқ) Мирзо Улуғбек олдига жуда қаттиқ тил билан ваъз айтди. Улуғбек Мирзо: «Э, Саййид! Мен ёмонроқми, Фиръавн?» деб сўради. Саййид: «Фиръавн», деб жавоб берди. Мирзо яна: «Сиз яхшироқмисиз ё Мусо?» деганда, Саййид: «Мусо» деб жавоб қайтарди. Сўнгра Улуғбек мирзо айтди: «Тангри Мусога яратилмишларнинг энг ёмони бўлган Фиръавнни тўғри йўлга солишга ундаганда, «Қаттиқлик билан ачиқ сўзламагил, балким юшиқ ва чучук тил билан гапирсин», деб буюрди Энди сиз Мусодан ортиқроқ бўлмай туриб, Фиръавндан ёмонроқ бўлмаганим ҳолда, менга қаттиқ тил билан гапирасиз». Саййид бу сўзни эшитгач, индайлмасдан ҳайрон бўлиб жимиқди. «Ҳалифа Усмоннинг Қуръони» номи билан машҳур бўлган «Қуръон» нусхаси ҳақидаги маълумот ҳам эътиборга сазовордир. «Самирия» муаллифи-бу ҳақда

⁶ Самария. Описание древностей и мусульманских святин Самарканде Абу Тахир-Ходжи, перев. В. Л. Вяткина, СКСО, VI, Самарканд, 1898, стр. 153-259.

⁷ Самария. Сочинение Абу-Тахир-Ходжи, персидско-таджикский текст, приговоренный к печати Н. И. Веселовским. С предисловием и приложением рисунков. С.—Петербург, 1904.

мана буларни ёзган: «Самарқандда халифа Усмоннинг «Қуръони» бор.. Ушбу «Қуръон»ни Амир Темури келтирувчи ўз даҳмасида қўйган эди. Вилоятнинг бузуқчилиги чоғида (XVIII асрда—Б.А.) ул ердан олиниб Хожа Носируддин Аҳрор мадрасасида (Мадрасайи сафедда) қўйилди». Еки мана бу мисолни ҳам олим кўрайлик: «Абулмакорим «Мухтасари виқоя»га шарҳ ёзгучилардан бўлб, Муҳаммад Шайбонийхон (Шоҳ) Будоҳ султон ўғли замонида фиқҳ илмида замонанинг биринчи олимларидан эди. Шайбонийхон ул кишидан бир қийин масала тўғрисида фатво сўраганда, ул жавоб ёзмади. Шунинг учун Шайбонийхон синовсизликдан буюриб, ул кишини арра билан шахид этдурди». Бундай маълумотлар асарда жуда кўп учрайдики, улар, шубҳасиз, Самарқанд ва Урта Осиё тарихи билан шуғулланувчи ва уни ўрганувчилар учун эйр қимматга эгадир.

Шу билан бирга асарда ислонинг кўзга кўринган намоёндалари ва уларнинг ҳаётига катта ўрин берилган. Буни ойниқса асарнинг 9, 10 ва 11-бобларида (9-боб: «Шаҳар ва [унинг] теварагидаги қабр ва мазорларнинг аломоти ва нишонлари тўғрисида»; 10-боб: «Қабр аҳллари зиярат қилиш йўллари»; 11-боб: «Қабристон элидан олинатурғон ибрат ва дўстларга ўғут») яққол кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам «Самария»нинг юзорида зикр этилган нашрларида ҳам, шунингдек, Абдулмўмин Сатторий таржимасида ҳам, 10- ва 11-боблар тушуриб қолдирилган.

Асарнинг ўзбекча таржимаси ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўз айтиб ўтишга тўғри келади. «Самария» 1921 йили, ёши, истеъдодли ўлкашунос олим Абдулмўмин Сатторий (1925 йилнинг 23 июлида сил касали билан вафот этган) томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган эди.⁸ Бу таржима 1925 йили атоқли ёзувчи ва олим Садриддин Айний томонидан таҳрир қилиниб нашрга тайёрланган эди. Устод Айний Сатторий таржимасига айрим тузатишлар киритиш билан бирга, унга сўзбоши ва зарур изоҳлар ҳам ёзган. Лекин асар нашрга тайёрланганича қолиб кетган ва УзССР Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик илмгоҳи қўлёзмалар жамғармасида сақланиб қолган (инв. № 600).

Албатта, асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва унинг нашрга тайёрланиши маърифий жиҳатдан эйр воқеа. Бунда Абдулмўмин Сатторий за айниқса Садриддин Айнийнинг меҳнати таҳсинга сазовордир. Лекин, айрим мулоҳазалар билан бўлса керак, муҳаррир асарнинг айрим жойларини тушириб юборган. Булар қуйидагилар:

1. Муқаддимадан хутба ва асар муаллифи ўзи хусусида айтган ўн сатр (таржима қўлёзмаси, 1-саҳифа).
2. Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг «Ҳаром ком» аталиши (19-саҳифа).
3. Амир Темури қурдирган Воғи зогон ва Воғи жаҳоннумо ҳақидаги маълумотлар (23-саҳифа).
4. «Еттинчи боб: «Шаҳар тевараги. Сифат ва хосиятлари билан машҳур горлар ва чуқурликлар баёнида» (33-34-саҳифа).
5. Амир Темури жомеъи (Бибихоним) таърифида айтилган жойлар (40-саҳифа).
6. Ана шу жомеъининг пештоқига усталар томонидан ишлатилган санъатлар (42-саҳифа).
7. Мирзо Улугбек мадрасасининг тавсифида айтилган гаплар (43-саҳифа).
8. Мирзо Улугбекнинг ёши ва вафоти ҳақидаги маълумотлар (49-саҳифа).
9. Шердор мадрасаси пештоқига шер ва офтоб суратикининг солиниши раъвий бир ишорат эканлиги ҳақидаги сатрлар (54-саҳифа).

⁸ Сатторий «Будда», «Кўктош», «Готфарий маҳалласи», «Юсуф Ҳамодоний», «Рухобод» каби илмий мақолалар ҳам ёзган. Бундан ташқари, баъзи маълумотларга қараганда, у Наршахийнинг (286) 899-355 (955) «Бухоро тарихи» асарини ҳам ўзбек тилига таржима қилган.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/468> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/468> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/468>